

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРУНОВА МАШҲУРА АЛЛАМУРОДОВНА

УМУМИЙ ВА АЛОҲИДА ЙЎЛДОШЛИ ЭРТА ТУҒИЛГАН
ЭГИЗАКЛАР ЎЛИМИДА МИОКАРД ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.15 –Патологик анатомия

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Урунова Машхура Алламурадовна

Умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар

ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларнинг

морфологик хусусиятлари.....

5

Урунова Машхура Алламурадовна

Морфологическая характеристика изменений структур

миокарда при гибели недоношенных близнецов с общей

и отдельной плацент.....

22

Urunova Mashxura Allamuradovna

Morphological characteristics of changes in myocardial

structures in the death of premature twins with common

and separate placentas.....

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

45

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРУНОВА МАШҲУРА АЛЛАМУРОДОВНА

УМУМИЙ ВА АЛОҲИДА ЙЎЛДОШЛИ ЭРТА ТУҒИЛГАН
ЭГИЗАКЛАР ЎЛИМИДА МИОКАРД ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.15 –Патологик анатомия

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3841 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманов Зиядулла Эшмаматович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Нишанов Данияр Анарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Тагайкулов Эркинжон Холикулович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эрта туғилган чақалоқларда юрак-қон томир тизимининг перинатал зарарланишлар таркибида миокарднинг гипоксик-ишемик шикастланиши етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ноқулай тиббий-биологик ва ижтимоий оқибат ушбу патологиянинг аҳамиятини белгилайди. Муаллифлар таъкидлашча «...юракнинг ўнг қисми миокардининг қисқарувчанлик функциясининг пасайиши, ортиқча зўриқиши ва ритмнинг бузилиши билан тавсифланган гипоксик кардиопатиянинг оқибатлари болалар туғилгандан кейин 3-6 ойгача давом этиши мумкин...»¹. Кислород очлиги ва тўқималарнинг гипоксияси билан боғлиқ бўлган миокардаги структуравий ўзгаришлар одатда субэндокардиал ва папиллар некроз, капилляр стази, микротромбоз ва периваскуляр қон кетишлар кўринишидаги кичик ўчоқли зарарланишлар билан тавсифланади, бу эса кардиомиоцитларнинг контрактуравий зарарланишига олиб келади. Кардиологияда клиник ва лаборатория тадқиқот усуллари орасида беморларнинг қонида гипоксик-ишемик миокард шикастланишининг биокимёвий белгиларини миқдорий аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Буларга тропонин ва миоглобин киради. Тропонин комплексининг суббирликлари (I, T, C) мушак хужайраларининг қисқариш аппарати таркибига киради. Миоглобин кислородни боғлайдиган оксил бўлиб, миокарднинг қисқарувчанлик функциясининг энергия потенциалини таъминлайди. Неонатологияда тропонинлар кардиомиоцитлар некрозининг биокимёвий белгилари сифатида ишлатилади. Қондаги миоглобин ва тропонинларнинг кўпайиши интравентрикуляр қон кетиши ва туғма юрак нуқсонлари (ТЮН) жуда эрта туғилган чақалоқларда кузатилган. Шу монасабат билан умумий ва алоҳида йўлдошли эгизаклар ўлимида миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришлар бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада монохориал ва дихориал ҳомиладорликнинг асоратларини шаклланиш механизмларини аниқлаш, ангиоген омилларнинг ролини баҳолаш, ҳар хил турдаги антенатал даврда ривожланиш кечикиши бўлган ҳомила ва янги туғилган чақалоқларнинг морфологик ўзгаришларни, юракнинг компенсацион имкониятларни тўлиқ ўрганиш ва патогенетик асосланган профилактика чораларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликлар натижасида юзага келган ўлимни эрта аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹Крючко Д.С. ва бошқ., 2008

стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган чақалоқлар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаш-тирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб, плацентанинг монохориал (МХ) тури асоратлари исботланган бўлиб юқори хавф омилларига киритилган, она ва ҳомила перинатал давр асоратлари кўп бўлиб, МХ эгизакларида бихориал (БХ) эгизакларга ўлим даражаси 3-4 барабар юқорирокдир (Сичинава Л.Г., Калашников С.А., Панина О.Б., 2003; Gaziano E.P., De Lia J.E., Kuhlmann R.S. 2000; Hirtenlehner-Ferber K., Krampf E., Strohmmer H. et al., 2002; Ferreira I., Laureano C., Branco M. et al., 2005; Leduc L., Takser L., Rinfret D., 2005). Плацентациянинг МХ тури билан 15-20% ҳолларда кўп ҳомиладорликнинг бундай ўзига хос асорати ривожланиши мумкин, фето-фетал трансфузион синдроми сифатида (ФФТС), даволаш натижасида ҳомилалар 60-100% га ўлим содир бўлмасдан туғилади (Crombleholme T.M., 2003; Cordero L., Franco A., Joy S.D. et al., 2005). Кўп ҳомиладорлик ва туғилишни бошқариш ўзига хос хусусиятлар эга, чунки она ва ҳомила учун асоратлар келиб чиқиш эҳтимоли юқори ҳисобланади (Дуда В.И., Дуда В.И., Дуда И.В., 2004). Кўп ҳомиладорликнинг энг ноқулай ҳолатларидан бири монохориал ҳомиладорликдир. эгизак ҳомиладорлик 20-

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

30% дан ортиғини монохориал эгизаклар ташкил этади (Rode L., Tabor A., 2014). Монхориал эгизаклар учун перинатал ўлим даражаси бихориал эгизакларга қараганда 3-4 барабар юқоридир (Rode L., Tabor A., 2014; Gandhi M., Paranna R., Teach M., Johnson A. et al., 2012). Кўп ҳомиладорлик бир ёки иккала ҳомиланинг ўсишининг кечикиши, фето-фетал трансфузион синдроми, бир ёки иккала ҳомиланинг антенатал ўлими кузатилиши мумкин. Фето-фетал трансфузион синдроми плацентанинг монохориал шакли бўлган эгизаклар бешта монозиготидан биттасида учрайди (Levine D., 2002; Lutfi S. et al., 2004; Lee H., Wagner A.J. et al., 2007; Lewi L., Jani J. et al., 2008). Унинг морфологик субстрати иккита хомилалик қон айланиш тизими орасидаги анастомоз томирларидир (Chescheir N.C., 2005; Chang Y.L., 2006). Илмий манбаларда берилишича муддатидан олидин туғилган эгизакларда постгипоксик кардиомиопатия, вақтинчалик миокард ишемияси, неонатал давр кардиопатияси, янги туғилган чақалоқнинг функционал кардиопатияси, юрак асфиксияси синдроми, миокард дисфункция ва бошқалар ривожланиши кузатилади (Simpson L.L., Marx G.R., Elkadry E.A., D'alton M.E., 1998; Bahtiyar M.O. et al. 2007; Miegheem T. et al. 2010; Abdelhafez M.S., Abdelrazik M.M., Badawy A., 2016;). Ушбу бузилишлар эгизаклар юрак миокардининг энергия алмашинувидаги ўзгаришларга, унинг контрактурал функциясининг тез пасайишига ва юрак етишмовчилигига олиб келади (Симонова Л. В. Ва бошқ, 2001; Бугеренко А.Е., Выхристюк Ю.В., Поварова А.А., Сичинава Л.Г., 2011; Сичинава Л.Г., Панина О.Б., Калашников С.А., 2011; Сичинава Л.Г., 2014; Сичинава Л.Г., Калашников С.А., Панина О.Б., 2013; Сичинава Л.Г., 2014; Shek N.W.M., Hillman S.C., Kilby M.D., 2015).

Ўзбекистонда чала туғилган чақалоқлар ретинопатиясини эрта ташхислашнинг янги усулларини оптималлаштириш, эрта неонатал ўлимга олиб келадиган касалликларнинг сабаблари ва патологик анатомияси, она эклампсия билан туғилган чақалоқларда миокард интерститиумидаги морфологик ўзгаришлар бўйича қатор олимлар томонидан (Р.Исраилов, 2013; 2014; 2015; Х.З.Турсунов, 2013; 2014; Д.В.Коньчев, Х.З.Турсунов, Б.А.Абдукаримов, 2022; Д.И.Ташханова, 2022) тадқиқотлар олиб борилган, бироқ, умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришлар даражасини аниқлашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришларга бағишланган илмий тадқиқотлар камлигини инобатга олиб, бу борада илмий тадқиқотлар ўтказилиши зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Перинатал патологияда ички аъзолар ва бош миядаги ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари» (2020-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган чақалоклар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларидаги морфологик жиҳатларини аниқлаш;

алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларидаги морфометрик жиҳатларини аниқлаш;

умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларидаги фарқ-тафовутларни морфологик ва морфометрик мезонлар бўйича асослаш;

умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришлар даражасини аниқлашни такомиллаштириш юзасидан илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика оналик ва болалик илмий амалий марказининг Самарқанд филиалида умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилиб эрта вафот этган 178 нафар эгизаклар юраги олинган. Бундан ташқари, назорат гуруҳи учун 10 нафар битта туғилиб вафот этган чақалокларнинг юраги ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар юрагининг миокард қавати мушак ва қон томир тузилмаларидаги морфологик ўзгаришлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган чақалоклар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлаш учун анамнестик, макроскопик, микроскопик, морфометрик, микрофотография ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг жиҳатлари мушаклараро шишиш эгаллаган майдонга нисбатан миокард қаватидаги мушак тўқимаси эгаллаган майдон билан бир-биридан фарқ қилиши асосланган;

умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари йўлдош ва бирга кечадиган касаллик жараёнлар билан боғлиқлиги исботланган;

умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги некробиотик ва некротик ўзгаришларнинг кучайиши умумий ва алоҳида йўлдошнинг нисбати билан боғлиқлиги асосланган;

умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли яшаб қолган эгизакларнинг яшаган муддати бўйича миокард тузилмаларидаги ўзгаришлар жараёнларнинг ривожланиш имкониятини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ва алоҳида йўлдошли моноамниотик ва диамниотик эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни ҳомиланинг туғилиш муддати ва юрак ҳажмини ҳисобга олган ҳолда текширувларни амалга ошириш ва баҳолаш зарурлиги асосланган;

умумий ва алоҳида плацентага эга бўлган моно- ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларининг морфологияси ва морфометрик параметрларини аниқлашда олинган натижалар патологоанатомлар амалиётида ўз натижалари билан таққослаш учун фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

умумий ва алоҳида плацентага эга бўлган моно- ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларининг морфологияси ва морфометрик хусусиятларининг қиёсий таҳлили ўтказилиб, улар орасидаги аниқланган фарқлар ва тафовутлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш патоанатомик диагностика сифатини оширишга хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган илмий ёндашув ва амалий усуллардан фойдаланиш, ўрганишнинг услубий аниқлиги, материалларнинг етарли даражада танланиши, қўлланиладиган усулларнинг замонавийлиги, улардан бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик хусусиятларини аниқлаш учун анамнестик, макроскопик, микроскопик, морфометрик, микрофотография ва статистик тадқиқот усуллари асосида умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган чақалоқлар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларининг ўзгариш жиҳатлари бўйича қиёсий морфологик таққослаш орқали бугунгача маълум бўлган маълумотларни тўлдирганлиги, умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган чақалоқлар миокард тузилмаларидаги компенсатор имкониятларни ривожлантиришда фойдали бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларининг зарарланиш жиҳатлари патологоанатомик диагнозни асослашда қўшимча дифференциал-диагностик мезонлар ишлаб чиқиши, сурункали юрак ишемик касаллигида профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг жиҳатлари мушаклараро

шишиш эгаллаган майдонга нисбатан миокард каватидаги мушак тўқимаси эгаллаган майдон билан бир-биридан фарқ қилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 28 августда 1–сон билан тасдиқланган «Умумий йўлдошли моноамниотик ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.09.2024 йилдаги 27Ш-сон ва Жиззах вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2024 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард каватидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари йўлдош ва бирга кечадиган касаллик жараёнлар билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 28 августда 1–сон билан тасдиқланган «Умумий йўлдошли моноамниотик ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.09.2024 йилдаги 27Ш-сон ва Жиззах вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2024 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард каватидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган

усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги некробиотик ва некротик ўзгаришларнинг кучайиши умумий ва алоҳида йўлдошнинг нисбати билан боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 28 августда 1–сон билан тасдиқланган «Умумий йўлдошли моноамниотик ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.09.2024 йилдаги 27Ш-сон ва Жиззах вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2024 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард қаватидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли яшаб қолган эгизакларнинг яшаган муддати бўйича миокард тузилмаларидаги ўзгаришлар жараёнларнинг ривожланиш имкониятини ошириши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 28 августда 1–сон билан тасдиқланган «Умумий йўлдошли моноамниотик ва диамниотик эгизакларнинг миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.09.2024 йилдаги 27Ш-сон ва Жиззах вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2024 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамнионли эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард қаватидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000

сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умумий ва алоҳида йўлдошли эрта туғилган эгизаклар ўлимида миокард тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, умумий ва алоҳида йўлдошли эгизаклар миокард тузилмаларида бўладиган ўзгаришларни ўрганиш бўйича жаҳон адабиётларидаги маълумотларни батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили маълумотларнинг чалкашлиги ва турли хиллиги, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамниотик эгизаклар миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни баҳолаш бўйича аниқ тавсиялар йўқлигини кўрсатди. Умумий йўлдошли ва алоҳида йўлдошли пневмопатиянинг ателектатик шакли билан туғилиб вафот этган эгизакларда миокард тузилмаларидаги ўзгаришларни туғилиш муддати ва юрак ҳажмига боғлиқ жиҳатлари тўлиқ ўрганилиши кераклиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Умумий ва алоҳида йўлдошли эгизаклар миокард тузилмаларининг морфологиясини баҳолашнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва предмети ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотимизнинг объекти сифатида Республика оналик


ва болалик илмий амалий маркази самарқанд филиалида биринчи эгиз ҳомиладорлик, ҳомилдорликнинг 22-27; 28-31; 32-37 хафталикларда туғилган, тана вазни 500-999 гр; 1000-1499 гр; 1500-1999 гр ва 2000-2499 гр бўлган, умумий ва алоҳида йўлдошли моно ва диамниотик вафот этган 178 нафар эгизаклар юраги олинди. Бундан ташқари, назорат гуруҳи учун 10 нафар битта туғилиб вафот этган чақалоқларнинг юраги ўрганилди.

Тадқиқотимизга махсус гистологик текшируви учун материал аутопсия жараёнида олинган секцион материаллардан юракнинг чап қоринчаси ва қоринчалараро тўсикдан 1x1x0,5 см ўлчамдаги тўқима бўлакчалари олинди. Олинган тўқима бўлакчалари 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван-Гизон, Вейгерт усуллари билан бўялди. Гистологик препаратлар бўйича юрак миокард қаватининг, кардиомиоцитлари, мушаклараро бўшлиқлар, турли калибрли интрамурал қон томирлар, томир ичидаги қоннинг реологик хусусиятлари ва периваскуляр бўшлиқ (ПВБ) ҳам ўрганилди. Мушак ва қон томир структурасини объектив баҳолашда морфометрик текширув ўтказилди. Бунинг учун Г.Г. Автандилов томонидан тавсия этилган 4 та кичик квадратча (100 та нуқтадан иборат) нуқтали тўр ишлатилди. Морфометрик ўлчов микроскопнинг об.20хок.10ўлчамида амалга оширилди. Бунда кардиомиоцитларга ва склеротик тўқимага тушган нуқталар, шунингдек ПВБ ва унда жойлашган қон томирлари сони ҳисобланди. Шунингдек кардиомиоцитлар, склеротик тўқима ва қон томир структурасининг морфометрик жиҳатларини ўрганиш учун Г.Г. Автандилов томонидан тавсия этилган окуляр микрометрдан фойдаланилди. Морфометрик кўрсаткичларининг ишончилиги (t), кўрсаткичлар минимал хатоси (m) ва асослилиқ даражаси (p) аниқланди.


Диссертациянинг «**Умумий йўлдошли моно ва диамниотик эрта туғилиб вафот этган эгизаклар миокард тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида пневмопатиянинг ателектатик шакли вафот этган умумий йўлдошли моно ва диамниотик эгизаклар миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришлари келтирилган.

Умумий йўлдошли моноамниотик 22-27 хафталигача бўлган муддатларда туғилган тана вазни 500-999 гр бўлган эгизаклардир. Тадқиқотимизда текширувга олинган моноамниотик эгизаклар юраги миокард қаватининг аксарият кардиомиоцитларининг ядросида кариопикноз жараёни, айрим кардиомиоцитларда эса кариорексис ҳолати аниқланади. Кўрув майдонидаги яқка ҳолдаги кардиомиоцитларда кариолизис ривожланганлиги қайд этилади. Миокард қаватида мушаклараро кучсиз шиш кузилди (1-расм). Интрамиокардиал қон томир бўшлиғидаги эритроцитлар аниқланади. Ушбу эритроцитларнинг баъзиларининг шакли кўринишга эга бўлиб, бир биридан алоҳида кўшилмаган ҳолатда жойлашганлиги ва кўплаб эритроцитларнинг шакли ноаниқлиги қайд этилди. Интрамиокардиал қон

томирлар девори кучсиз шишганлиги ва эндотелиоцитларда кариопикноз ҳолати кузатилди, айрим эндотелиоцитларнинг ядроси кўзга ташланмади.




1-расм. Умумий йўлдошли моноамниотик (тана вазни 500-999 гр) эгизаклар миокард қаватидаги мушаклараро кучсиз шишганлиги ва кардиомиоцитлар ядроси кариопикнози. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




2-расм. Тана вазни кичик бўлган (500-999 гр) моноамниотик эгизаклар миокард қаватидаги интрамиокардиал қон томирлари бўшлиғидаги эритроцитлар гемолиз ҳолати. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

28-31 ҳафталигача бўлган муддатларда туғилган умумий йўлдошли моноамниотик эгизакларнинг тана вазни ўртача 1000-1499 граммни ташкил этди. Умумий йўлдошли моноамниотик тана вазни кичик бўлган эгизаклар юраги миокард қаватида мушаклараро кучсиз шиш кузатилади. Аксарият кардиомиоцитларнинг ядросида кариопикноз жараёни қайд этилса, айрим кардиомиоцитлар ядросида кариорексис ҳолати бир қатор кардиомиоцитларнинг ядросида кариолизис ривожланганлиги кузатилди. Интрамиокардиал қон томир бўшлиғида кам сонли эритроцитлар мавжуд бўлиб, ушбу эритроцитларнинг баъзиларининг шакли аниқ, бир биридан алоҳида қўшилмаган ҳолатда жойлашган, бироқ кўплаб эритроцитларнинг шакли ноаниқлиги, бир бирига қўшилиб кетганлиги, яъни гемолиз белгилари қайд этилди (2-расм). Интрамиокардиал қон томирлар деворида сезиларли даражадаги шиш, эндотелиоцитлар ядросида кариопикноз ва кариорексис ҳолати, баъзи эндотелиоцитларда кариолизис жараёни кузатилса, айрим эндотелиоцитларда цитолиз ривожланган бўлиб, эндотелиоцитларнинг ядроси аниқланмади.

Кўрув майдонинг маълум соҳаларида мушак толаларининг толаланиши ҳамда майда бўлакчаларга (фрагментларга) ажралганлиги кузатилади. Толаланган соҳадаги кардиомиоцитларидаги некробиотик ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Интрамиокардиал қон томир бўшлиғидаги эритроцитларнинг гемолиз ҳолати қайд этилди. Қон томирлар деворида шиш, ва толаланиш соҳалари аниқланди. Аксарият эндотелиоцитлар ядросида кариорексис ва кариолизис жараёни кузатилди. Айрим эндотелиоцитларда кариоцитолиз ривожланганлиги қайд этилди. Қон томирнинг деворининг кўплаб соҳаларида интима қаватининг кўчиб тушган аниқланди (3-расм).



3-расм. Моноамниотик (тана вазни 1500-1999 гр) эгизаклар миокард қаватидаги қон томирлар деворидаги десквамация ҳолати. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



4-расм. Нисбатан тана вазни кичик моноамниотик эгизаклар миокард қаватидаги ўзгаришлар (Мушаклар оралиқларидаги кучли ривожланган шиш ва кариопикноз. Гематоксилин-эозин бўёғида бўялган. Об. 40, ок. 10

32-37 хафталигача бўлган муддатларда туғилиб пневмопатиянинг ателектатик шаклидан вафот этган умумий йўлдошли моноамниотик тана вазни 1500-1999 грамм бўлган эгизаклар юраги миокард қаватининг аксарият кардиомиоцитларининг гепертрофия белгилари, гипетрофиялашган кардиомиоцит ядросида кариопикноз жараёни, айрим кардиомиоцитларда эса кариорексис ҳолати аниқланди. Мушаклараро шишинган соҳаларга яқин жойлашган кардиомиоцитларда кариолизис жараёнига хос морфологик ўзгаришлар аниқланди. Миокард қаватида мушаклараро шиш соҳалари кузатилди (4-расм). Мушаклар оралиқларида жойлашган қон томир бўшлиғидаги сийрак ҳолатда жойлашган эритроцитлар бўлиб, эритроцитларнинг баъзиларининг шакли аниқ, контурлари сақланган ҳолатда, бироқ, кўплаб эритроцитларнинг шакли ноаниқлиги кузатилди. Интрамиокардиал қон томирлар деворида кучли шиш ва кам сонли эндотелиоцитларда кариопикноз ҳолати, аксарият ҳужайраларда кариорексис ва айрим эндотелиоцитларнинг ядроси кўзга ташланмади. Қон томир интима қаватининг айрим соҳаларининг кўчиб тушганлиги қайд этилди.

Тана вазни 2000-2499 грамм бўлган умумий йўлдошли моноамниотик эгизакларнинг кардиомиоцитларда шиш белгилари, ядросида кариопикноз ҳолати, кўплаб кардиомиоцитларда кариорексис ва кариолизис ҳолати кузатилди. Айрим кардиомиоцитларнинг ядроси аниқланмайди. Мушаклараро шиш кучли намоён бўлди. Кўрув майдонинг аксарият қисмида миоцитларнинг толаланганлиги ва мушак толаларининг фрагментларга (майда бўлакчаларга) ажралганлиги кузатилди. Интракардиал қон томирлар бўшлиғида кам сонли эритроцитларнинг мавжуд бўлиб, уларнинг шакли ва контурлари ноаниқ ва гемолиз ҳолатида эканлиги аниқланди. Қон томирлар девори шишган ҳолатда, аксарият эндотелиоцитларда кариорексис ва кариолизис жараёни кузатилди. Бўйлама кесилган қон томирларнинг айрим жойлари толаланган, ҳамда десквамация ҳолати кузатилди.

Умумий йўлдошга эга бўлган туғилиб турлича муддатгача яшаб пневмопатиянинг ателектатик шаклидан вафот этган моноамниотик тана вазни турлича бўлган эгизаклар юрагидаги патоморфологик кўрсаткичлар туғилиш муддатлари бўйича бир-биридан фарқ қилди. Бунда, мушаклараро шиш, қон томир бўшлиғи ва деворининг улуши, периваскуляр бўшлиқ ҳамда кардиомиоцитларнинг диаметрида ўзига хос фарқ-тафовутлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Умумий йўлдошли моноамниотик эгизаклар юрагида ривожланган мушаклараро (МШ) шиш ва мушак тўқимаси (МТ) майдонининг морфометрик кўрсаткичлари (%)

№	Туғилиш муддати	Тана вазни (гр)	МТ	МШ
1	22-27 хафталик	500-999	65,4±0,87	19,1±0,44
2	28-31 хафталик	1000-1499	67,0±0,54***	19,3±0,51***
3	32-37 хафталик	1500-1999	68,4±0,87***^^	19,1±0,44***^^
		2000-2499	69,1±1,4***^^	20,2±0,47***^^

Эслатма: * - 1-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$); ^ - 2-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$).

Умумий йўлдошга эга, моноамниотик 22-27 хафталик муддатгача бўлган даврда туғилган ва яшаш муддатлари ҳар хил бўлган эгизакларнинг миокард қаватида мушак тўқимаси эгаллаган майдон ҳажми 28-31 хафталикгача бўлган муддатларда туғилган эгизакларга нисбатан кўпроқ фоизни ташкил этади, туғилиш муддатлари ошгани сари мушаклараро эгаллаган майдон улушининг ортиши кузатилди.

Умумий йўлдошли диамниотик 22-27 хафтагача муддатда туғилган тана вазни 500-1000 граммни ташкил этиб, эгизаклар кардиомиоцитларнинг морфометрик кўрсаткичлари $2,3 \pm 0,04$ мкмга тенгдир, бу кўрсаткичлар 28-31 хафталик муддатда туғилган (тана вазни 1000-1499 грамм) эгизакларда $2,77 \pm 0,04$ мкмни ташкил этади. 32-37 хафталик туғилган тана вазни 1500-1999 грамм бўлган эгизакларда $2,94 \pm 0,03$ мкм, тана вазни 2000-2499 грам бўлган эгизакларда $3,07 \pm 0,06$ мкмга тенгдир.

Турли муддатларда туғилиб, пневмопатиянинг ателектатик шаклидан вафот этган турли турли вазнили эгизаклар юраги интрамиокардиал қон томирларининг қон томир бўшлиғи ва қон томир девори эгаллаган майдон улушининг кўрсаткичлари туғилиш муддатлари бўйича алоҳида фарқ-тафовутларга эга эмас. Бироқ юракнинг ҳажмига ва туғилиш муддатларига боғлиқ ҳолатда қон томир девори ва бўшлиғи эгаллаган майдон кўрсаткичларида фарқлар кўзга ташланди. Бундай ҳолат биринчидан юрак ҳажми ва туғилиш муддатига боғлиқ ҳолда ифодаланса, иккинчидан қон томирлар деворидаги патоморфологик ўзгаришлар туфайли келиб чиқиши мумкин.

Умумий йўлдошли моноамниотик эгизаклар қон томир ва периваскуляр бўшлиқ эгаллаган майдонларнинг нисбати туғилиш муддати ва эгизаклар вазнига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди (2-жадвал).

2-жадвал

Умумий йўлдошли моноамниотик эгизаклар қон томир ва периваскуляр бўшлиқ эгаллаган майдонларнинг ўзаро нисбатининг морфометрик кўрсаткичлари (%%)

№	Туғилиш муддати	Тана вазни (гр)	Қон томир	ПВБ
1	22-27 хафталик	500-999	1,71±0,19	4,68±0,15
2	28-31 хафталик	1000-1499	2,14±0,18***	5,69±0,25***
3	32-37 хафталик	1500-1999	2,19±0,14***^	6,28±0,30***^
		2000-2499	2,31±0,14***^	5,67±0,36***^

Эслатма: * - 1-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$); ^ - 2-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$).

Турли муддатларда туғилган умумий йўлдошли моноамниотик эгиз ҳомилалар тана вазнига боғлиқ ҳолда интрамиокардиал қон томирлар ва ПВБ эгаллаган майдоннинг улушлари бир биридан фарқ қилди. Жумладан барча эгиз ҳомилаларда ПВБ эгаллаган майдон улуши кўпроқни ташкил этади. Шунингдек, туғилиш муддати ошган сари қон томир ва ПВБ эгаллаган майдоннинг кўрсаткичлари ҳам ошиб борди.


Пневмопатиянинг ателектатик шакли билан 22-27 хафталик муддатда туғилиб вафот этган, тана вазни 500-999 грамм бўлган, умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар юраги миокарда қаватининг кўплаб кардиомиоцитларида кариопикноз, кариорексис кабиорқага қайтар жараёнлар ва айрим кардиомиоцитларда некротик ўзгаришлар (кариолизис) - орқага қайтмас жараёни аниқланади. Мушаклараро шиш кучсиз ёруғланиш кўринишида намоён бўлди (6-расм). Эритроцитлар қон томир бўшлигини тўлиқ эгаллаб турган бўлиб қон томир деворига яқин жойлашган эритроцитлар шаклининг ноаниқлиги ва гемолиз белгилари аниқланса, қон томир бўшлигининг марказий қисмида кам сонли шакли аниқ, бир бирига қўшилмаган эритроцитлар аниқланди. Қон томирлар девори бўлган ва шишган бўлиб, эндотелиоцитларда некробиотик жараён яққол кўзга ташланади, айрим эндотелиоцитларнинг ядроси эса аниқланмди.

Умумий йўлдошга эга бўлган 22-27 хафталик диамниотик эгизакларнинг миокард қон томир тузилмаларидаги тузилмаларидаги некробиотик ва некротик ўзгаришлар, мушак тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларга нисбатан этароқ ривожланди. Қон томирлар деворидаги ўзагришилар десквомация кўринишида намоён бўлди.

28-31 хафталигача бўлган муддатларда туғилган эгизакларнинг сони жами 14 нафар бўлиб, улардан 8 нафари (57 %) ўғил жинсли эгизаклар, 6 нафари (43 %) қиз жинсли эгизаклардир. Тана вазни 1000-1499 грам бўлиб, умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар юраги миокард қаватининг аксарият кардиомиоцитларининг ядросида кариопикноз ҳолати аниқланди, бир гуруҳ кардиомиоцитлар ядросида кариорексис ҳолати кузатилди. Айрим кардиомиоцитларда кариолизис ривожланиш муносабати билан ядросининг бироз ёруғланиши қайд этилди. Миокард қаватида мушаклараро шиш кучсиз намоён бўлди (7-расм). Бўшлигидаги шакли ноаниқ бўлган эритроцитлар аниқланган интракардиал қон томир девори кучсиз шишганлиги ва эндотелиоцитларда кариопикноз ва кариорексис ҳолати кузатилади, айрим эндотелиоцитларнинг ядроси эриб кетганлиги аниқланди.




6-расм. Эгизаклар юрагидаги мушаклар ораликларидаги кучсиз ривожланган шиш ҳолати ва кардиомиоцитларнинг некробиотик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозин бўёғида бўялган. Об.40, ок.10




7-расм. Мушаклар ораликларида ривожланган шиш. Кардиомиоцитлардаги некробиотик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозин бўёғида бўялган. Об.40, ок.10

Кўрув майдонинг маълум соҳаларида мушак толаларининг фрагментларга ажралиши кўринишида оралик шиш йўқолиши аниқланди. Интрамиокардиал қон томир бўшлиғида эритроцитларнинг шакли контурларининг йўқолиши ҳисобига ноаниқлик касб этди. Бу эса ўз навбатида гемолиз белгилари ҳисобланди. Қон томирлар деворида шиш, айрим жойларида толаланиш қайд этилса, аксарият эндотелиоцитлар ядросида пикнотик ҳолат, бир гуруҳ кардиомиоцитларда кариорексис ва кариолизис жараёни кузатилди. Қон томирнинг айрим соҳаларида интима қаватида десквамация ҳолати яққол ифодалнди. Коллоген толалари толаланиши қайд этилди (8-расм).



8-расм. Қон томирлар девори коллоген толаларининг толаланиши ва бўшлиғидаги эритроцитлар ҳолати. Ван-Гизон усулида бўялган. Об.40, ок.10



9-расм. Некробиоз ҳолатидаги кардиомиоцитлар. Гематоксилин-эозин бўёғида бўялган. Об.40, ок.10

Тана вазни 1500-1999 грамм бўлган умумий йўлдошли диоамниотик эгизаклар миокард қаватининг кўплаб кардиомиоцитларининг ядросида кариопикноз ва кариорексис ҳолати кузатилди (9-расм). Бир гуруҳ

кардиомиоцитларда кариолизис ва ядросининг ёруғланиши кузатилади. Миокард қаватида мушаклараро шиш кучлироқ акс этади. Интракардиал қон томир бўшлиғида аниқланган, шакли ноаниқ бўлган эритроцитлар сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг агрегацияси кузатилади. Қон томирлар девори бироз кучли шишган ва эндотелиоцитларда кариопикноз ва кариорексис ҳолати кузатилади, бир гуруҳ эндотелиоцитларнинг ядросида кариолизис жараёни қайд этилди.

Пневмопатиянинг ателектатик шаклидан вафот этган, умумий йўлдошли диамниотик тана вазни 2000-2499 грамм бўлган эгизаклар юрагининг кардиомиоцитларида шиш яққол намоён бўлди. Кардиомиоцитлар ядросининг кариопикноз ҳолати ва бир гуруҳ кардиомиоцитларда ривожланган кариорексис ҳолати улардаги некробиотик жараёнлар жадаллашиб бораётганлиги билан акс этди. Кардиомиоцитларнинг кариолизис кўринишидаги некротик жараёни кўплаб соҳаларда учрайди. Мушаклараро шиш айрим соҳаларда кучли намоён бўлди. Миоцитларнинг тарқоқ ва толаланиши кузатилди. Кўрув майдонинг айрим жойларида фрагментларга ажралган миоцитлар майдони кўзга ташланди. Интракардиал артериялар бўшлиғида эритроцитларнинг контурлари ноаниқ бўлиб, аксариятида агрегация жараёни кузатилса, айрим эритроцитларда гемолиз белгилари қайд этилди. Қон томирлар деворида шиши, толаланиши, кўплаб эндотелиоцитларда кариопикноз, бир гуруҳ эндотелиоцитларда кариорексис ва кариолизис ҳолати аниқланди. Ушбу некробиотик ва некротик жараёнлар фониди интиманинг десквамация ўчоқлари аниқланди.

Пневмопатиянинг ателектатик шакли билан, турли муддатларда туғилган, вафот этган умумий йўлдошли диамниотик эгизакларда миокард тузилмаларидаги морфологик ўзгаришлар морфометрик жиҳатдан туғилиш муддати ва тана вазнига нисбатан фарқ-тафовутлар кўзга ташланди.

Мушак тўқимаси ва мушаклараро шиш эгаллаган майдон улуши туғилиш муддатлари ва юрак ҳажмига мос равишда ўзгариб борди (3-жадвал).

3-жадвал

Умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар юрагида ривожланган шиш ва мушак тўқимаси майдонининг морфометрик кўрсаткичлари(%%)

№	Туғилиш муддати	Тана вазни (гр)	МТ	МШ
1	22-27 хафталик	500-999	66,6±0,91	19,7±0,30
2	28-31 хафталик	1000-1499	73,8±0,66***	25,7±0,41***
3	32-37 хафталик	1500-1999	75,5±0,53***^^	28,2±0,53***^^
		2000-2499	76,9±0,33***^^	29,1±0,43***^^

Эслатма: * - 1-гуруҳ натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$); ^ - 2-гуруҳ натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$)

Диамниотик, умумий йўлдошга эга бўлган, 22-27 хафталик муддатгача бўлган даврда туғилган эгиз ҳомилалар миокардида мушак тўқимаси эгаллаган майдон ҳажми, 28-31 хафталикгача бўлган муддатларда туғилган эгизакларга нисбатан кам улушга эга. 32-37 хафталик муддатлада туғилган

эгизаклар тана вазни 2000-2499 грамм бўлган ҳомилаларда мушаклараро шиш эгаллаган майдон кўпроқни ташкил этди.

Туғилиш муддати ва тана вазни ҳар хил бўлган умумий йўлдошга эга бўлган, диамниотик эгиз ҳомилалар интрамиокардиал қон томир ва периваскуляр бўшлиқ эгаллаган майдонлар улушининг нисбати турлича кўрсаткичларга эга (4-жадвал).

4-жадвал

Умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар кардиомиоцитларининг морфометрик кўрсаткичлари (мкм)

№	Туғилиш муддати	Тана вазни (гр)	Кардиомиоцитлар (мкм)
1	22-27 хафталик	500-999	2,26±0,05
2	28-31 хафталик	1000-1499	2,61±0,05***
3	32-37 хафталик	1500-1999	2,88±0,08***^^
		2000-2499	3,01±0,06***^^

Эслатма: * - 1-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$); ^ - 2-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$).

Пневмопатиянинг ателектатик шаклидан вафот этган умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар туғилиш муддатлари ва тана вазнига боғлиқ ҳолда кардиомиоцитлар диометрида фарқлар кўзга ташланади, бироқ кўрув майдонида кичик ўлчамли кардиомиоцитлар 32-37 хафталикда туғилган эгизаклар кардиомиоцитларининг морфометрик кўрсаткичлари тана вазнига нисбатан бири-биридан фарқ қилди.

Пневмопатиянинг ателектатик шакли шаклидан вафот этган умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар туғилиш муддати ва тана вазнига турличабўлган эгизаклар интрамиокардиал қон томирларнинг морфометрик кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Умумий йўлдошли диамниотик эгизаклар интрамиокардиал қон томир девори (ҚД) ва бўшлиғи (ҚБ) морфометрик кўрсаткичлари (%%)

№	Туғилиш муддати	Тана вазни (гр)	ҚБ	ҚД
1	22-27 хафталик	500-999	2,86±0,23	1,42±0,14
2	28-31 хафталик	1000-1499	3,12±0,20***	2,0±0,22***
3	32-37 хафталик	1500-1999	3,5±0,17***^^	2,43±0,20***^^
		2000-2499	3,86±0,18***^^	2,57±0,23***^^

Эслатма: * - 1-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (* - $P < 0,05$, *** - $P < 0,001$); ^ - 2-гурӯх натижаларига таққосланганда фарқлар аниқланади (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^ - $P < 0,001$).

